

Намозни қандай ўқийсиз?



07:08 / 12.12.2018 4768

Исом ибн Юсуф бир куни Ҳотам ал-Асомнинг мажлисига кириб, “Эй Ҳотам, намозни яхши адо қиласизми?” деб сўради. “Ҳа”, деди Ҳотам. “”Намозни қандай ўқийсиз?” сўради у яна. Ҳотам ал-Асом шундай деди: “Ўрнимдан тураман, қўрқув билан намозга юриб бораман, ният билан киришаман, улуғворлик билан такбир айтаман, тартил ва тафаккур билан қироат қиламан, хушуъ билан рукуъга бораман, тавозе билан сажда қиламан, тугатиш учун ташаҳхудга ўтираман, ният билан салом бераман, Аллоҳ азза ва жалла учун ихлос билан тугатаман, яна хавф билан намоздан қайтаман, чунки Аллоҳ мендан буни қабул қилмай қолишидан қўрқаман ва ўлгунимча бор кучим билан намозимни муҳофаза қиламан”.

Исом ибн Юсуф: “Намозни жуда яхши адо қилар экансиз”, деди.

“Солиҳлар гулшани” китобидан